**Бухоро шаҳри:** 7-мактабнинг 7 нафар ўқувчисига сертификат берилди.

2



3 (1477)-son 22-yanvar 2021

# Xabar

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz




# ЎЗБЕКИСТОНДА ПОЧТА ТИЗИМИ УЙҒОНМОҚДА

2

Почта хизмати ҳамиша талабгир бўлган. Аммо мазкур соҳа бундан уч-тўрт йил олдин боши берк кўчага кириб қолгани ҳам, чора сифатида ходимлар сони қисқартирилгани ҳам бор гап.

Сўнгги икки йил ичида почтани ривожлантиришга жиддий киришилди. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ишчи гуруҳи республика бўйлаб мазкур тизим муаммолари сабабларини ўрганиб, қолоқликдан чиқиш бўйича қатор таклифларни ишлаб чиқди. Почтани ичидан биладиган мутахассис кадрлар жалб қилинди. Давлатимиз раҳбари имзолаган тегишли қарор эса тизимни уйғотиб юборди.

## ЖАМИЯТ ВА ҲУҚУҚ

### ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРДАГИ ҚОНУНБУЗАРЛАРГА ЖИДДИЙ ЧОРА КЎРИЛАДИ



Ўзбекистонда интернет жаҳон ахборот тармоғи, шу жумладан, ижтимоий тармоқларда содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш чоралари такомиллаштирилади. Бу ҳақда 2021 йилги Давлат дастури лойиҳасида қайд этилган.

Бунинг учун норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилади. Лойиҳада интернет жаҳон ахборот тармоғида, шу жумладан, ижтимоий тармоқларда содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш ва тегишли шахсларни фош этишга қаратилган чора-тадбирлар назарда тутилади.

2021 йилнинг 1 апрелигача тайёрланиши лозим бўлган ушбу лойиҳа ижросига Бош прокуратура, ИИВ, АОКА, ДХХ, Олий суд ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар масъул этиб белгиланган.

## МАЛАКА ОШИРИШ

### ҚИБРАЙДА "ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" АК АНЪАНАВИЙ ЎҚУВ КУРСЛАРИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА

**Тошкент вилоятининг Қибрай туманида "Ўзбектелеком" АК анъанавий махсус ўқув курслари бошланди. 18-23 январ кунларига белгиланган ўқув курсларининг тингловчилари — компания ва филиаллари раҳбарлари, шунингдек, бош ҳисобчилари.**



2021 йилги ўқув курслари "Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни ва аҳамияти; замонавий менежмент, ёшларни қўллаб-қувватлаш — тараққиёт гаровидир", "Бухгалтерия ҳисоби ва солиқ қонунчилиги" мавзуларида бўлиб ўтади.

Ўқув курсларида Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шуҳрат Содиқов қатнашди.

Ўқув курслари мавзулари:

■ Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси мазмун-моҳиятини ўрганиш;

■ Янги Ўзбекистонни барпо этишда ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш;

■ Ёшларни қўллаб-қувватлашнинг янгича механизмлари;

■ "Рақамли Ўзбекистон-2030" стратегияси;

■ Ўзбекистонда ахборот жамиятининг шаклланиши: сиёсий-ҳуқуқий асослар;

■ Меҳнат соҳасида ижтимоий ҳамкорлик асослари;

■ Раҳбар кадрлар креатив фикрлаш кўникмаларини оширишнинг инновацион усуллари;

■ Шахсий самарадорликни ва ваколатларни узатиш маҳоратини ошириш;

■ Яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш;

■ Юридик ва жисмоний шахсларга солиқ солиш тартибига 2021 йил 1 январдан киритилаётган ўзгаришлар;

3

## ДУНЁНИНГ ЭНГ ҚИММАТ КОМПАНИЯЛАРИ (S&P 500)

(Қуйида энг қиммат беш компаниянинг (барчаси IT-соҳаси) қийматлари S&P 500 фонд индексидаги қолган барча компанияларга нисбатан фоизларда кўрсатилган, 2020 й.)

1. Apple – 7,0 фоиз
2. Microsoft – 5,7 фоиз
3. Amazon – 4,7 фоиз
4. Alphabet – 3,3 фоиз
5. Facebook – 2,4 фоиз



Манба: TrendForce

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ

## Jumadan Jumagacha

**Президент ҳузурида 18 январ куни ўтказилган йиғилишда Адлия вазирлигига топширилган қабул қилинган ҳужжатларни масъулларга етказиш, амалиётда қўллашга кўмаклашиш ва назорат қилиш бўйича янги тизим жорий этиш вазифасининг амалдаги ҳолати таҳлили ва илғор хорижий тажрибадан келиб чиқиб, самарали ижро тизимини йўлга қўйиш бўйича таклифлар кўриб чиқилди. Унда давлатимиз раҳбари қабул қилинаётган ҳужжатлар халқ манфаатига қаратилганини, шунинг учун уларнинг мазмунини аҳолига етказиш зарурлигини таъкидлади. Мутасаддиларга жойларга чиқиб, қарорлар ижроси юзасидан манзилли ва тематик ўрганишлар ўтказиш бўйича топшириқ берилди.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 19 январ куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда Республика Маънавият ва маърифат марказига вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда миллий ғоя мазмун-моҳиятини кенг халқ оммасига тушунтиришга қаратилган тарғибот дастурини ишлаб чиқиб, уни амалга ошириш вазифаси топширилди.

**Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривожи, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида 21-22 январ кунлари Бухоро вилоятида бўлди. Сафар давомида вилоятдаги агросаноат, тўқимачилик, ахборот технологиялари, тиббиёт соҳаларидаги корхоналар, шаҳар ва туманлардаги бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатлари Президенти Жозеф Байденга унинг давлат раҳбари лавозимига киришгани муносабати билан табрик йўллади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева 20 январ куни Жаҳон банкининг Марказий Осиё бўйича минтақавий директори Лилия Бурунчук ҳамда Жаҳон банкининг Тошкентдаги ваколатхонаси раҳбари М.Мантованелли билан учрашди. Учрашувда Ўзбекистон ва Жаҳон банки ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг бугунги ҳолати ва янги йўналишларни қамраб олган ҳолда ҳамкорлик кўламини кенгайтириш имкониятлари кўриб чиқилди.**

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган “Шахматни янада ривожлантириш ва оммавийлаштириш ҳамда шахматчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Наманган ва Фарғона вилоятлари қурилиш бош бошқармалари бошлиқларини лавозимларга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди.

# ЎЗБЕКИСТОНДА ПОЧТА ТИЗИМИ УЙҒОНМОҚДА

1





Одамлар тасаввурида газета-журнал, хат-хабар етказадиган почта эндиликда давлат хизматлари кўрсатишга киришди. Қисқа муддатда ана шу хизматларни кўрсатадиган почта объектлари сони республика бўйича 67тани ташкил этса, уларнинг 10таси Бухоро вилоятида жойлашган. Хизматларнинг йўлга қўйилишида Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш марказининг кўмаги катта бўлди.

20 январ куни Бухоро шаҳар марказий алоқа бўлимида давлат хизматлари кўрсатадиган марказнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда АКТ вазири Шуҳрат Содиқов раҳбарлигидаги вазирлик Ишчи гуруҳ аъзолари, соҳа корхона ва ташкилот раҳбарлари қатнашди. Кўркам бинода аҳолига электрон давлат хизматларининг 15 тури кўрсатилади.

Шунингдек, бу ерда мобил қурилмалар IMEI-кодларини рўйхатдан ўтказиш, канцелярия моллари, телефон аксессуарларини харид қилиш, почта хизматларидан фойдаланиш мумкин. Почта ходимлари давлат хизматлари кўрсатиш бўйича махсус тайёргарликдан ўтишган.

# 7-МАКТАБНИНГ 7 НАФАР ЎҚУВЧИСИГА НЕГА СЕРТИФИКАТ БЕРИЛДИ?

**Ахборот технологиялари соҳаси иқтисодиёт локомотивига айланиб улгурган. Соҳани ривожлантириш учун эса малакали кадрлар зарур. Мамлакатимизда олдин мазкур йўналишда кадрлар асосан ихтисослашган коллеж ва биргина Тошкент ахборот технологиялари университетида тайёрланиб келинган. Кейин вазият ўзгарди.**



ТАТУнинг бешта филиали, ИНҲА ва Амити университетларининг филиаллари очилди. Марра янада каттароқ олинди, яъни мактаб давриданоқ ёшлар тили билан айтганда "айтишник"ларни тайёрлаш бошланди. Тошкентда АКТ фанларига ихтисослашган Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги мактаб фаолияти йўлга қўйилди.

Эндиликда ўқувчиларни мактаб давриданоқ ахборот технологияларига қизиқтириб, келгусида тизимда кадрлар захирасини шакллантириш, талабгир соҳа мутахассисларини тайёрлашга аҳд қилинди. Бирин-кетин ҳудудларда АКТга ихтисослашган таянч мактаблари очила бошланди.

20 январ куни ана шундай мактаблардан бири Бухоро шаҳрида тантанали равишда очилди. АКТ вазирлиги, UNICON.UZ ДУК ва Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази мутахассислари Бухородаги 7-ўрта мактабни том маънода АКТга ихтисослаштирилган мактабга айлантириб беришди. Энг замонавий компютерлар билан жиҳозланган синфхоналар нафақат мактаб жамоаси ва ўқувчиларни, балки шаҳар аҳолисини ҳам қувонтириб юборди.

Очилиш маросимида АКТ вазири Шуҳрат Содиқов, Халқ таълими вазири Шерзод Шерматов, UNICON.UZ директори Махсум Маҳмудов, Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази директори Баҳром Зияев, IT-Парк директори Фарҳод Ибрагимов ва жамоатчилик вакиллари, ёшлар қатнашди.

Мактабнинг 5-синфига 28 нафар ўқувчи тест синовлари орқали қабул қилинган эди. Очилиш маросимида ана шу тест жараёнларида энг юқори балл тўплаган 7 нафар ўқувчи ва “Бир миллиончи дастурчи” лойиҳасида ғолиб бўлган 7 нафар бухоролик ўқитувчига сертификатлар топширилди.

— Бу ютуқлар янги зафарларингизнинг бошланиши бўлсин, — деди тақдирлаш маросимида АКТ вазири Шуҳрат Содиқов. — Ёшларимиз кучли мутахассис бўлиб етишишларида бундан зўр шароитлар яратишга доим тайёрмиз. Устозларга шарафли касбларида куч-қувват тилаймиз.

Мактабда иқтидорли ўқувчилар кўп. Улар меҳмонларга ўзлари ясаган роботлар имкониятларини намойиш қилишди. Мактабнинг 9-синф ўқувчиси Нодирбек Ўктамов шулардан бири. Нодирбек икки нафар ўртоғи билан телеграм мессенжерида махсус бот яратиб, Хакатон танловида ғолиб бўлди. Танлов ғолиби сифатида уч ўртоқ 6 минг доллар соҳиби бўлишди.

Ўн тўрт ёшида бундай натижага эришиш, албатта, қувонарли. Демак, “айтишник” бўлиш ҳам замонавий касб эгаси, ҳам юқори маблағ топиш имконини бериши билан янада аҳамиятлидир. Юртимизда ана шундай иқтидор эгалари кўпайсин!

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

*Фарруҳ АЛИЕВ олган суратлар*

# ҚИБРАЙДА “ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК АНЪАНАВИЙ ЎҚУВ КУРСЛАРИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА

1

■ Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қўллаш муаммолари ва бошқалар.

**Алишер Зуфаров, "Ўзбектелеком" АК бош директорининг тижорат ишлари бўйича ўринбосари:**

*— Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда "Ўзбектелеком" АК раҳбар-ходимлар ва бухгалтерия йўналишидаги раҳбар-ходимлар учун ҳар йили ўқув курсларини ўтказиши урф бўлиб қолган.*

*Ўқув курслари давомида компания олдида турган муҳим вазифалар, хусусан, 2020 йил сарҳисоби қилинади, эришилган ютуқлар билан бирга, амалга оширилиши зарур бўлган ишларга батафсил тўхталиб ўтилади.*

*Катта амалий тажрибага эга, бу йўналишда ижобий натижаларга эришган устозлар, профессорлар-ўқитувчилар ўқув курсларига жалб этилган. Курслар давомида раҳбарлар ҳам ўз филиаллари тажрибаларини бошқалар билан ўртоқлашади.*

*Бугунги кунда рақамли иқтисодиёт жуда муҳим масалага айланди. Компаниямиз аҳолига телекоммуникация хизматларини тўлиқ ва юқори сифатда кўрсатиш бўйича жуда кўп ишларни амалга оширяпти. Жумладан, ижтимоий соҳа билан боғлиқ объектларда юқори тезликдаги интернет ва телекоммуникация хизматларини кўрсатиш биринчи навбатдаги вазифаларимиздан ҳисобланади.*

*2020 йилда онлайн таълим, онлайн иш юритишга жуда катта эътибор қаратилди. Телекоммуникация хизматларига талабнинг ошиб кетганини инобатга олган ҳолда ўз иш фаолиятимизда, ишга ёндашувимизда жуда катта ўзгаришларни амалга ошириш зарурияти туғилди. Шундан келиб чиқиб, телекоммуникация хизматларини жойларга кенгроқ етказиш ва барча ижтимоий соҳа объектлари (маҳала фуқаролар йиғинлари, мактаблар, мактабгача тарбия ва соғлиқни сақлаш муассасалари)га юқори тезликдаги оптик толали алоқа линияларини етказиш ҳамда уларга ҳамёнбоп нархларда хизматлар кўрсатиш масалалари долзарблик касб этди. Ўқув курсларида бу мавзуда ҳам ўзаро фикр алмашилиб, жаҳон тажрибаси ўрганилди.*



Курсларда раҳбар кадрларнинг стрессга бардошлилигини шакллантириш тренингларида интерактив усуллар орқали стрессли вазиятларни таҳлил қилиш масалалари, улардан чиқиш йўлларини қўллаш, касбий стрессларни бартараф этиш малакаси ривожлантирилади.

Ўз имкониятлари ва ресурсларидан максимал даражада фойдаланиш, иш вақтини самарали режалаштириш ва ташкиллаштириш ҳамда меҳнат ва хордиқ ўртасида мувозанатни топиш бўйича билим ва амалий кўникмаларни ривожлантириш мақсадида селф-менежмент бўйича турли хил ролли ўйинлар, кейслар ва интерфаол усуллар шаклида тренинг машғулотлари ўтказилади.

Шунингдек, иштирокчилар томонидан компаниянинг молиявий ҳолати, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, тармоқда амалга оширилаётган лойиҳалар, компания филиалларининг телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинади.

Тингловчилар курс давомида Тошкент шаҳридаги IT-Парк ҳамда Тошкент шаҳридаги ИНҲА университетининг IT-инкубация марказида бўлиб, уларнинг фаолияти билан яқиндан танишадилар. 2021 йилнинг 23 январ куни тингловчиларга сертификатларни топшириш маросими бўлиб ўтади.

УЧИНЧИ ТАШАББУС

## ҚУЁШЛИК ИСТАСАНГ, КАСБИ КАМОЛ ЭТ

**Бухоро тумани маркази Галаосиё шаҳрида рақамли технологиялар ўқув маркази ўз фаолиятини бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Бироқ ана шу қисқа муддатда ушбу маскан ахборот технологияларига қизиқувчи турли ёшдаги кишилар, хусусан, ёш авлод вакиллари билан гавжумлашиб қолди.**

Ўқув маркази ўз-ўзидан ташкил этилгани йўқ, албатта. Кейинги пайтда давр талаби ва тақозоси сифатида юртимизда рақамли иқтисодиётни тараққий эттириш, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалиги каби соҳаю тармоқларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгиланиб, изчил амалга оширилаётганлиги жойларда бир қатор ўқув марказлари фаолиятини ҳам кенг йўлга қўйиш имконини берди. Қолаверса, “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегияси мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва давлат бошқаруви тизимининг рақамли ривожланишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга эканлиги айни ҳақиқат. Ва, энг муҳими, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан 2020-2021 йилларда республикамизнинг барча шаҳар ва туманларида Рақамли технологиялар ўқув марказлари ташкил этилишининг белгилаб қўйилганлигини шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоиз.

Хуллас, Галаосиёдаги ўқув маркази синф хоналари энг замонавий компютерлар ва бошқа жиҳозлар билан таъминланган. Бир йилда бу ерда 1000 нафарга яқин ёшлар АКТ соҳасидаги билим ва малакаларини ошириш имконига эгадирлар. Ўқув марказида, шунингдек, компютер саводхонлиги, дастурлаш асослари ва киберспорт йўналишлари бўйича машғулотлар ҳам олиб борилмоқда. Марказнинг юқори тезликдаги интернет хизмати билан таъминланганлиги замонавий билимларни эгаллашга чанқоқ ёшлар нафақат ўз дунёқарашларини кенгайтириш, балки дунёда рўй бераётган янгиликлар ва воқеа-ҳодисалардан тезкорлик билан хабардор бўлишларида муҳим аҳамият касб этяпти. Ўқув марказига ёш ва иқтидорли дастурчи Абдураҳмон Саидов раҳбарлик қилиб келмоқда.

Марказ имкониятларидан мамнуният ва алоҳида интилиш билан фойдаланаётган ёшларнинг фикр-мулоҳазалари билан ҳам қизиқдик.

– Ҳафтада уч кун ўтказиб келинаётган ўқув машғулотлари самараси ўлароқ веб-сайт яратиш, мобил дастурлаш кўникмаларини эгаллаб олдим, – дейди туман марказидаги 1-сонли умумтаълим мактаби 9-синф ўқувчиси Озодбек Ҳотамов. – Келгусидаги орзу-ниятларим мактабни битиргач, ТАТУнинг ахборот хавфсизлиги йўналиши бўйича олий маълумотга эга бўлиб, 2020 йилнинг 25 декабр куни пойтахтимизда ўтказилган Ёшлар форумида таъкидланганидек, юқори малакали ва келажакка дадил интиладиган тенгдошларим сафидан ўрин олишдир. Ўқув марказида олган билим ва кўникмаларим келажакдаги мустақил ҳаётим ва иш фаолиятимда асқотишига



ишонаман.

Шунингдек, бугунги кунда вилоятнинг Когон ва Бухоро шаҳарлари, Қоракўл, Олот, Жондор, Ғиждувон туманларида ҳам ўз фаолиятини бошлаб юборган Рақамли технологиялар ўқув марказлари ёшларнинг мазкур йўналишдаги интилиш ва ташаббусларига, замонавий ибора билан айтганда, ўзига хос мотивация бағишлаши турган гап.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 29 декабр куни Парламентга йўллаган Мурожаатномасида шундай сўзлар бор: “Буюк мутафаккир шоиримиз Мир Алишер Навоий ўз даврида ёшларга мурожаат қилиб, “Қуёшлик истасанг, касби камол эт” деб ёзганлар. Чиндан ҳам, одамларга қуёшдек беминнат нур таратишни, яхшилик қилишни истайдиган инсон камолотга интилиб, турли илм ва касб-ҳунарларни ўзлаштириши лозим”.

Бу пурмаъно сўзлар ҳеч муболағасиз ахборот-коммуникация технологияларини пухта ва мукаммал билиб олишга интилаётган ёшларга қарата айтилгани ҳам барчамизга бирдек аёндир.

**Асқар ИСТАМОВ,**
**“Xabar”нинг Бухоро вилоятидаги мухбири**

ТАДБИР

## КОРРУПЦИЯСИЗ ТАРАҚҚИЁТ САРИ

**Бугунги кунда республикамизда коррупцияга қарши курашиш ва олдини олишнинг мустаҳкам ҳуқуқий базаси ва аниқ тизими шаклланди. Коррупция ҳолатларига йўл қўймаслик борасида бир қатор ташкилотлар билан мунтазам равишда профилактик давра суҳбатлари ва тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.**

Шундай тадбирларнинг навбатдагиси 20 ва 21 январ кунлари “Ўзбекистон почтаси” АЖ Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар филиалларида фаолият юритаётган ходимлар учун “Коррупцияга қарши курашиш-тараққиёт кафолати” мавзусида ташкил этилди. Унда “Ўзбекистон почтаси” АЖ раҳбарияти, АКТ вазирлигининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси вакиллари, Зангиота тумани “Имоми Аъзам” жоме масжиди имом хатиби ҳамда Юнусобод тумани ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирда сўз олганлар яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш, меҳнат жамоаларида одоб-ахлоқ ва меҳнат муносабатларига риоя қилиш, ходимлар томонидан пул маблағларининг камомади ва ўзлаштириш ҳолатларининг олдини олиш каби долзарб масалалар хусусида маъруза қилдилар. Уларда жамиятда катта-кичик қонунбузарлик ҳолатларининг, айниқса, коррупцияга доир жиноятлар содир этилишида кўпинча фуқароларимизнинг лоқайдлиги, ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмаслиги ҳамда айрим ташкилот раҳбарларининг юридик билимлари жуда паст даражада эканлиги ҳам сабаб бўлаётганлиги қайд этилди. Ҳуқуқий саводхонликка эришиш учун эса давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари бу йўналишда ҳамкорликни бугунги кун талаблари даражасида ташкил этиши зарурлиги ҳар икки томон учун ҳам манфаатли экани таъкидланди.

Мунозарага бой бўлган тадбирда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишди.

Бу каби профилактик тадбирларни жамиятнинг барча филиалларида ўтказиш режалаштирилган.

**“Ўзбекистон почтаси” АЖ**
**матбуот хизмати**

Мутахассис билан суҳбат

# ЯНГИЛАНГАН ONE ID

## ФОЙДАЛАНУВЧИ МАСЪУЛИЯТИ ВА ЭҲТИМОЛИЙ ХАТАРЛАР...

***Яқин-яқингача кўпчилик Электрон ҳукуматни давлатнинг сирли ташкилотидек қабул қилиб келди. Аслида-чи? Аслида у нафақат давлат ташкилотлари, балки оддий халқ учун ҳам манфаатли хизматларни жорий этиб, улар ўртасида шаффофлик, адолат ва тенгликни таъминламоқда.***



> Бугунги тараққиёт, янги қонуний ва техник талаблар, ҳар бир соҳа ва тизимлардаги ўзгариш, янгиланишлар туфайли 2020 йилнинг декабр ойидан Ягона идентификация тизимининг янги тест тартибидаги шакли ўз фаолиятини бошлади (электрон манзил id.egov.uz). Унинг имкониятлари ҳам қайсидир маънода кенгайди, технологияси, архитектураси, тезлиги ҳам ўзгарди, нисбатан хавфсизроқ бўлди.

*Маълумки, Электрон ҳукуматнинг муҳим таркибий қисмларидан бири бу – Ягона идентификация тизими, яъни ONE ID ҳисобланади. Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш марказининг Марказлашган базалар ва ахборот тизимларини ривожлантириш бўлими бошлиғи Герман Стимбан билан ONE IDнинг янгиланиш сабаблари, бу ахборот тизимининг аҳамияти, маълумотлар базаси қанчалик ҳимоялангани, фойдаланувчи масъулиятсиз бўлса, қандай хавфлар мавжудлиги тўғрисида суҳбатлашдик.*

**– Ассалому алайкум, аввало, тилимизни ҳурмат қилиб, саволларимизга ўзбек тилида жавоб бераётганингиз учун катта раҳмат. Мумкин бўлса, бўлимингиз фаолияти билан таништирсангиз...**

– Электрон ҳукуматда кўплаб марказлашган ахборот тизимлари мавжуд. Шулардан бири Ягона идентификация тизими, яъни ONE IDдир. Биз бўлимдаги ходимлар билан бирга Электрон ҳукуматнинг ахборот тизимларини яратиш ва марказлашган базани ривожлантириш билан шуғулланамиз. Шу билан бирга уларга янги талқинлар киритиб, таклифлар берамиз, ўзаро мувофиқлаштирамиз. Кейинги режалар асосида қандай мутахассислар ва технологиялар кераклигини ўрганамиз. Асосан техник, масалан, администраторлар, дастурчилар, ахборот хавфсизлиги бўйича ходимлар билан ишлаганимиз учун қоғоз-ҳужжатлардан умуман фойдаланмаймиз.

**– Ягона идентификация тизими бизга нима беради?**

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги "Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида" ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 октябрдаги "Аҳолига тақдим этилаётган электрон давлат хизматларини кўрсатишда шахсни тасдиқлаш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги (679-сонли) қарорларида Электрон ҳукуматни ривожлантиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Эндиликда барча тармоқларни тегишли ахборот-коммуникация технологиялари билан бойитувчи Электрон ҳукумат ривожланиш поғоналаридан тезроқ ва ишонч билан кўтарила бошлади.

Ягона идентификация тизими 2016 йилдаёқ ишга туширилган ва у фойдаланувчиларга id.gov.uz сайти орқали яхши таниш. Хабарингиз борми-йўқми, Электрон ҳукуматга 100дан ортиқ ахборот тизимлари уланган. Яъни барча вазирликлар, давлат ташкилотларининг ахборот тизимига ягона идентификация тизими: битта логин, битта парол ёки электрон рақамли имзо орқали кириш имконияти мавжуд. Шунингдек, тизимда фойдаланувчининг шахсий маълумотлари ҳам тасдиқланган. Масалан, фойдаланувчи оддий, номаълум шахс эмас, у ҳақидаги ҳамма маълумотлар ушбу тизимда мавжуд: исм-шарифи, жинси, яшаш манзили ва ҳоказолар. Биз уни автоматик равишда ташқи ахборот тизимига жўнатамиз. Хуллас, Ягона идентификацион тизимимиз барча давлат ахборот тизимларига ушбу имкониятни беради.

Шу ўринда таъкидлаб ўтмоқчи эдимки, агар фойдаланувчи битта ахборот тизимига бошқа-ю кейингисига яна бир янги логин билан кирган бўлса, унда интеграциялаш қийин кечади. Ҳозирги ҳолатда битта ахборот тизими автоматик равишда бошқасидан маълумот олиши мумкин. Масалан, бизнинг идентификацион рақам орқали меҳнат тўғрисида маълумот олса бўлади. Шу мақсадларда 2015 йил ягона идентификацион рақамни яратганмиз.

**– Лекин билишимизча, 2020 йил охирларида Ягона идентификацион тизим янгиланди. Сабаб?..**

– Муаммо шундаки, эски ахборот тизими ёпиқ кодли бўлган. Яъни унга ўзгартириш киритишга бизда рухсат йўқ эди. Ҳатто, битта вергул киритолмасдик. Бугунги тараққиёт, янги қонуний ва техник талаблар, ҳар бир соҳа ва тизимлардаги ўзгариш, янгиланишлар туфайли 2020 йилнинг декабр ойидан Ягона идентификация тизимининг янги тест тартибидаги шакли ўз фаолиятини бошлади (электрон манзил id.egov.uz). Унинг имкониятлари ҳам қайсидир маънода кенгайди, технологияси, архитектураси, тезлиги ҳам ўзгарди, нисбатан хавфсизроқ бўлди. Яна 6 ойгача ўзгартиришлар киритиб борамиз.

Эндиликда Ягона идентификация тизими қуйидаги қулайлик ва имкониятларни тақдим этади:

- Аввало, Электрон ҳукуматнинг барча тизимларидан фойдаланиш учун ҳар биридан алоҳида рўйхатдан ўтишга ҳожат йўқ. ONE ID биргина логин ва парол ёки электрон рақамли имзо орқали барча ахборот тизимларидан эркин фойдаланиш имкониятини яратади;

- Ягона идентификация тизими (ONE ID) фойдаланувчи ҳақида асл маълумот (исм, фамилия, манзил ва ҳоказолар)ни тақдим этади. Яъни фойдаланувчи ўзининг номаълум кимса эмас, балки аниқ жисмоний ёки юридик шахс эканини тушунади;

- Ягона идентификация тизими (ONE ID) фойдаланувчи идентификаторини электрон ҳукуматнинг ҳар бир тизимига узатади. Масалан, битта тизим бошқасидан фойдаланувчи ҳақидаги ҳар қандай маълумотни автоматик тарзда қабул қилиши мумкин.

**– Тизимга кириш ва фойдаланиш ҳам ўзгарганми?**

– Ҳозирги вақтда Ягона идентификация тизимига киришнинг икки йўли мавжуд: логин ва парол киритиш ёки электрон рақамли имзо орқали. Фойдаланувчига шахсий маълумотлар керак бўлмаса, тизимга киришда логин ва паролни ишлатиши мумкин. Электрон рақамли имзо эса шахсий ёки молиявий маълумотлар билан боғлиқ бир қатор давлат хизматларидан фойдаланилганда тизимга кириш учун ишлатилади. Кейинроқ тизимга киришнинг янги усулларини ишлаб чиқиш ҳам режалаштирилган. (Масалан, мобил телефон рақами ёрдамида).

Айни пайтда ONE ID идентификаторининг янги синов шаклидан фойдаланиш бир нечта ахборот хизматлари (жумладан, Ягона интерактив давлат хизматлари портали) билан чекланади. Лекин яқин вақт ичида унга барча мавжуд ахборот тизимлари (150дан ортиқ) нинг кўчирилиши кутиляпти.

**– Яна ўзгартиришлар киритилса, фойдаланувчилар қийналиб қолмайдими?**

– Аксинча, биз имкон қадар қулайликлар яратишга ҳаракат қиляпмиз. Мисол учун, ҳозир рўйхатдан ўтиш учун жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (паспортдаги 14та рақам (ПИНФЛ) киритилиши керак, тўғрими? Аммо ёши катталар бу жараённи амалга оширишга қийналишади. Шунинг учун биз уни ўзгартириб, паспорт серия билан туғилган кунини киритиш орқали рўйхатдан ўтишни йўлга қўймоқчимиз. Ёки бугун кўпчилик телефонига логин ва парол билан киради. Тизимнинг янги талқинига эса айнан мобил рақам билан кириш имкониятини ҳам қўшмоқчимиз. Яъни мобил рақамни киритсангиз, сизга хабар тарзида код юборилади. Ўшани киритиш орқали рўйхатдан ўтилади.

**– Бармоқ изи орқали кириш йўлга қўйилса-чи?**

– Бу ҳақда ҳам ўйлаб кўрганмиз. Бироқ ахборот хавфсизлиги томонидан маъқул келмаган. Мисол учун, одам ухлаётганида унинг бармоғи орқали тизимга кирилиши мумкин. Ёки ҳозир логин ва парол йўқолса, тизимга шахсий маълумотингизни киритсангиз, автомат тарзида почта ёки телефонингизга хабар келади ва сиз уни бемалол ўзгартирсангиз бўлади. Лекин бармоқ изи қайсидир базада сақланиб қолса, уни ўзгартиришнинг имкони йўқ.

**– Тизимга хакерлик йўли билан кириб, уни бузишга уриниш ҳолатлари ҳам учраганми?**

– Ҳозирча бундай уринишларга дуч келмадик. Биласизми, нафақат бизда, балки бутун дунёда 100 фоиз хавфсиз тизимнинг ўзи йўқ. Шу боис Электрон ҳукумат ҳам Ўзбекистоннинг Киберхавфсизлик маркази билан меморандум имзолашни режалаштирган. Ушбу ҳамкорлик йўлга қўйилган заҳоти улар бизнинг ягона идентификация ҳамда ахборот тизимларимиз хавфсизлигига қарайди ва тегишли маслаҳат беради.

**– Айтинг-чи, фойдаланувчилар учун қандай ҳолатлар хавфли бўлиши мумкин?**

– Кўп муаммолар фойдаланувчи томонидан йўл қўйилган хато натижаси бўлади. Масалан, ривожланган давлатларда дўконга кирган харидор карта рақами (пинкоди)ни ўзи киритади. Бизда эса "яширин код" ҳамма эшитадиган оҳангда, баралла айтилаверади. Тизимда ҳам худди шу ҳолат. Фойдаланувчи логин ва паролини ёки имзо рақамини бошқаларга ҳам бемалол бераверади…

Фойдаланувчилар албатта ахборот хавфсизлигини тушуниб етишлари зарур. Керак бўлса, курслар ташкиллаштириб, видеороликлар орқали англатишимиз шарт. Эртага бирор муаммо туғилса, ўзларига қийин бўлади.

**— Хўш, қандай муаммолар?**

Масалан, бир фойдаланувчи бошқанинг номидан кириб, агар у юридик шахс, директор ёки масъул ходим бўлса, Солиқ қўмитасига нотўғри ҳисобот жўнатади. Кейин у одамга жарима келади. Ёки қайсидир хизматдан фойдаланиб, нималаргадир буюртма бериб ташлаши мумкин. Бундан ташқари, махфий маълумотларга рухсат олиб, бошқа муаммо туғдириш ҳолатлари ҳам бор. Дейлик, электрон рақамли имзо орқали олинган қайсидир экспертга тегишли маълумотлар унинг рақобатчисига жуда қизиқ бўлиши мумкин. Кейинчалик уй-жой олди-сотдисини ҳам шу тизим орқали амалга оширишни режалаштирганмиз. Агар логин-парол имконияти берилса, фирибгарлар бундан фойдаланиб қолишни кўзлаши мумкин. Хуллас, вариантлар кўп.

**Шоҳида ИСРОИЛОВА**
**суҳбатлашди**

КАРЬЕРА

# В IT-PARK ПРИЗВАЛИ IT-СПЕЦИАЛИСТОВ НЕ УЕЗЖАТЬ ИЗ СТРАНЫ

**В IT-Park призвали местных специалистов дальше развиваться на местном рынке и работать на экспорт IT-услуг. Об этом говорится в статье "Ташкент вошел в топ-5 самых дешевых городов мира: что это значит для зарубежных "айтишников" и IT-компаний?".**




В ней отмечается, что для зарубежных IT-специалистов, которые ищут себе наиболее выгодное место для жизни и работы, Ташкент может стать одним из самых оптимальных для выбора городов.

В IT-Park это объясняют тем, что жизнь в столице Узбекистана недорогая по сравнению со столицами других стран — "цены на аренду квартиры начинаются от $200, "потребительская корзина" составляет около $80-$90 в месяц, дешевый интернет".

Там обратили внимание на то, что в 2013 году пропускная способность международной сети передачи данных составляла 7 Гбит/с, тогда как сейчас более 1 200 Гбит/с. Цены для провайдеров за это время значительно снизились.

"Если рассматривать Ташкент в качестве местожительства, то как и отмечалось ранее, почти все упирается в дешевые цены: дешевая одежда, еда, коммунальные услуги, и большое множество рынков, магазинов, кафе, достопримечательностей, ресторанов и других мест, где можно купить одежду, вкусно поесть, или просто хорошо провести время", — говорится в статье.

В IT-Park сообщили, что сейчас 14 резидентов из 403 являются зарубежными — это компании из США, России, Азербайджана, Словакии, Южной Кореи и Таджикистана.

Что касается отечественных разработчиков, то в IT-Park считают, что "идея о переезде в другую страну за лучшей жизнью звучит, конечно, заманчиво, но так ли все круто и хорошо за границей на самом деле?".

"Хорошо там, где нас нет — и лучше попробовать реализовать себя здесь, а уехать можно успеть всегда. И зачем уезжать, если можно работать, выполняя заказы из-за рубежа, оставаясь тут? При этом, получая те же деньги, которые заказчики платили бы вам "там", и уменьшая свои расходы. Вы же "айтишник", кому как не вам об этом лучше всех знать?", — говорится в статье.

В IT-Park считают, что IT-специалистам выгодно остаться и зарабатывать, буквально не выходя из дома, при условии, что дома есть интернет и компьютер, а в голове — опыт и знания.

ЗА РУБЕЖОМ

В Сети появилась информация, что Windows 10 в этом году получит крупнейшее обновление с момента своего выпуска. После него ОС будет значительно отличаться от привычного. Апдейт носит кодовое название Sun Valley.

Главным новшеством станет переработанный интерфейс операционной системы. Например, окна станут округлыми. Значительное количество элементов изменит свое местоположение и "переедет" из "Панели задач" в "Центр уведомлений".

По предварительной информации, релиз может состояться в рамках Windows 10 October 2021 Update (21h2) в октябре этого года.

* * *

Некоммерческая организация из США Coalition for a Safer Web подала в суд иск к компании Apple с требованием удалить Telegram из App Store. В заявлении в окружной суд Северной Калифорнии говорится, что администрация мессенджера не стала предотвращать экстремистские переговоры перед штурмом Капитолия в Вашингтоне 6 января.

Глава НКО — бывший посол США в Марокко Марк Гинзберг — считает Telegram распространителем высказываний, разжигающих ненависть.

* * *

Исследование международной консалтинговой компании Deloitte показало, что связь между развёртыванием сетей связи пятого поколения (5G) и ростом числа заражений COVID-19 является надуманной.

Теория о том, что "технология 5G передаёт COVID-19", является, попросту говоря, нелепой, так как это невозможно. COVID-19 — это вирус, который распространяется воздушно-капельным путём и передаётся от человека человеку. Вирусы не могут распространяться по радиоволнам, — цитирует фрагмент исследования РИА Новости.

* * *

Высокий суд Сеула вынес приговор 52-летнему вице-президенту Samsung Electronics и фактическому главе группы компаний Samsung Group Ли Чжэ Ёну. Его приговорили к двум годам и шести месяцам по делу о коррупции. Он признан виновным во взяточничестве, растрате и сокрытии преступных доходов на сумму около 8,6 млрд. вон ($7,8 млн.), сообщает Reuters.

Отмечается, что Ли будет временно отстранен от принятия важных решений в корпорации и не сможет контролировать процесс наследования от своего отца Ли Гон Хи, который умер в октябре 2020 года, что имеет решающее значение для сохранения контроля над Samsung.

БЕЗОПАСНОСТЬ

# "МАМОНТ" В УЗБЕКИСТАНЕ: АКТИВИЗИРОВАЛАСЬ МОШЕННИЧЕСКАЯ СХЕМА С КУРЬЕРСКИМИ СЕРВИСАМИ

**По оценкам аналитиков из Group-IB, против пользователей из Узбекистана и других стран работают не менее 20 крупных группировок. Схема получила название "Мамонт" — так на сленге мошенников называют жертву.**

По оценкам аналитиков, против пользователей из Румынии, Болгарии, Франции, Польши, Чехии, США, Украины, Узбекистана, Кыргызстана и Казахстана работают не менее 20 крупных группировок.

В целом, за 2020 год заработок всех преступных групп, использующих данную схему мошенничества, оценивается более чем $6,2 млн. Согласно прогнозам, ущерб от "курьерской схемы" до конца года может вырасти.

### Как это работает

На популярных сервисах бесплатных объявлений злоумышленники размещают так называемые "лоты-приманки" — объявления о продаже по намеренно заниженным ценам товаров — фотоаппаратов, игровых приставок, ноутбуков, смартфонов и так далее. Покупатель связывается с продавцом, а тот "обрабатывает" его, создавая атмосферу доверия, и "переводит" дальнейшее общение в мессенджер.

Несмотря на то, что многие курьерские сервисы и доски объявлений по продаже новых и бывших в употреблении товаров, ведут активную политику защиты пользователей от мошеннической активности, размещая предупреждения на своих ресурсах, это зачастую не останавливает покупателей.

В мессенджере у жертвы, как правило, запрашивают контактные данные якобы для оформления доставки через курьерскую службу. Затем ей присылают ссылку на один из сайтов популярных курьерских служб для оплаты доставки — на деле сайт оказывается фейковой страницей.

В итоге — похищают и деньги, и данные банковских карт. Сама схема предусматривает варианты продолжения: часть жертв обманывают повторно — "разводят на возврат" — на деле с карты происходит повторное списание той же суммы.

### Как бороться: рекомендации для брендов и пользователей

Рекомендации довольно просты, но обязательны к соблюдению при оформлении покупок товаров или услуг через интернет:

Пользуясь услугами сервисов по аренды жилья или продаже новых и б/у товаров, не уходите в мессенджеры, ведите всю переписку только в чате сервиса.

Не заказывайте товар или не заключайте сделку по предоплате — оплачивайте только тогда, когда получили товар и убедились в его исправности.

Доверяйте только официальным сайтам. Прежде чем ввести в какую-либо форму данные своей банковской карты — изучите адрес сайта, "загуглите" его и проверьте, когда он был создан. Если сайту пара месяцев — с большой долей вероятности он мошеннический.

Большие скидки или "суперакции" — один из признаков того, что перед вами "лот-приманка", а сам сайт создан мошенниками. Будьте осторожны.

### "Мамонт" в Узбекистане

Сообщения об этой схеме в Узбекистане появились еще в конце октября 2020 года. Тогда руководитель HUMO Шухрат Курбанов обращал внимание на то, что сайты вроде uz-olx.online или dostavka-olx.xyz, которые используют мошенники, не имеют никакого отношения к сервису olx.uz.

В начале ноября представители Fargo и OLX.uz рассказали, что такими путями мошенники снимают с карт граждан от 20 до 35 млн. сумов в день.

Тогда же в Payme сообщили о всплеске случаев мошенничества и рассказали, на что обратить внимание. К примеру, ни в коем случае нельзя вводить данные на неофициальных сайтах. Не стоит вводить даже код подтверждения, если нет уверенности в достоверности сайта-поставщика. Подлинные сайты Fargo и OLX выглядят так:

Не стоит отправлять номер своей карты, срок действия и CCV/CVV с задней стороны карты посторонним людям — без этих данных средства с карты не смогут списать.

● ТАЖРИБА МАҲСУЛИ

# ФИЗИКА ФАНИНИ ЁРИТИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

**Халқаро майдонда илмий рақобат тобора авж олаётган бир пайтда мамлакатимиз илм-фан тараққиётининг устувор йўналишларини аниқ ва мукаммал белгилаб олиш долзарб масалага айланди. Бунга таълимни тубдан ислоҳ қилиш ва замонавий инновацион тизимни яратиш орқали эришиш мумкин.**

Дунёдаги деярли барча кашфиёт ва технологияларни яратишда физика фани фундаментал асослиги сабаб, физика қонуниятларини мукаммал ўзлаштирмай туриб, замон талаб қилаётган ҳар қандай соҳада аниқ натижага эришиб бўлмайди.

Ҳозирги кунда республикамизда ўн мингдан ортиқ ўрта таълим мактаби фаолият юритиб келмоқда. Уларда қарийб олти миллионга яқин ўқувчи таълим олади. Масала шундаки, мактабларнинг катта қисмида моддий-техник база ва дарсликлар талаб даражасида эмаслиги ва малакали ўқитувчи кадрлар етишмаслиги физикани ўқитишда қийинчилик туғдирмоқда. Шу боис ўқувчилар бу фанга оид ҳодиса ва қонуниятларни тўлиқ англаб етмайди.

Ушбу муаммони инобатга олиб, Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти ҳамда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабнинг физика фани ўқитувчилари (М.Муҳитдинов, Х.Матчанов, Ҳ.Умарова, Ф. Норқобилов) ҳамкорликда ривожланган мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда янги инновацион дастур ишлаб чиқишди.

Ўрта мактабнинг 5-6-синфларига мўлжалланган янгича ёндашув асосидаги физика дарслиги 2020 йили нашрдан чиқди.

Дарсликда физика фани инсон турмушининг ҳар бир жабҳасига кириб боргани, табиатда бўладиган ҳодиса ва жараёнлар, оддий механизмлардан тортиб, ҳозирги замон ривожланган технологияларининг ишлаши физик қонуниятларга асосланганлиги ҳаётий мисоллар ва расмлар орқали, бошқа табиий фанлар билан боғлиқ ҳолда, содда ҳамда тушунарли қилиб ёритиб берилган. Ўқувчиларда билим, малака кўникмаларини яхши шакллантириш учун дарсликда амалий машғулотлар ва лаборатория ишларига кўпроқ эътибор қаратилган. Жумладан, дарслик 52та лаборатория ва амалий бажариладиган машғулотларни ўз ичига олади.

Бундан ташқари, дарсликда ўрта аср шарқ алломаларининг физика фани ривожига қўшган ҳиссалари, ёзган асарлари тўғрисида алоҳида маълумот берилган.

Ўқувчиларни қизиқтириш, эътиборини жалб қилиш ҳамда содда ва тушунарли бўлиши учун китобда техника ва қурилмаларнинг илм-фан ривожи асосида такомиллашиш босқичларининг физик асослари ҳаётий мисоллар ҳамда расмлар орқали берилган. Шунингдек, табиатда рўй берадиган ҳодиса ва жараёнларнинг физик асослари математика, кимё, биология, география фанлари билан боғланган ҳолда тушунтирилган.

Дарсликнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, бунда ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини амалиётда қўллашга эътибор қаратилган.

Уларнинг кундалик ҳаёт билан боғлиқлигини кўрсатиш учун:

- синфдаги дарс машғулотлар;
- мактабдан ташқари кундалик фаолиятида ўқувчиларнинг ўқув тадқиқотларини ўтказиши;
- тажрибаларни бажариб кўриши;
- лойиҳалаштиришга йўналтирилган ижодкорлигини тарбиялаш;
- янгиликлар яратишга бўлган қизиқишларини ривожлантириш;

СТЕМ ёндашуви орқали топшириқлар ва кўрсатмалар бериб борилган.

Таълим соҳасига киритилаётган бу каби ислоҳотлар, энг аввало, ўқувчиларнинг замонавий техника ва технологиялардан чуқурроқ фойдаланиш кўникмасини шакллантиради. Ўз ўрнида ушбу дарслик физика фанини чуқур ўзлаштириш учун замин бўлиб, ўрганилаётган жараённи тўлиғича тасаввур қилиш имконини беради. Шу билан бирга, ўқитувчиларнинг иш самарадорлигини сезиларли даражада оширади.







● ХОТИРА УЙҒОНСА ГЎЗАЛДИР

# ҚАЛБИМИЗДАСИЗ, УСТОЗ!

**2021 йил 19 январ куни давлатимизнинг фидокор фарзанди, етук мутахассис, ташаббускор раҳбар, кўплаб шогирдлар етакчиси Тоҳир Раҳимов оламдан ўтди.**



У киши 1947 йил Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1969 йилда олийгоҳни тугатиб, йўлланма асосида Москва электротехника алоқа институтининг аспирантурасига ўқишга қабул қилинади. Уни муваффақиятли битиргач, Тошкент электротехника алоқа институти (ҳозирги ТАТУ)га қайтади ҳамда "Телевидение ва радиоэшиттириш" кафедраси ассистенти лавозимида иш бошлайди.

Тоҳир Ғофурович ўз илмий салоҳияти, меҳнатсеварлиги, тиришқоқлиги, топширилган вазифаларга фидокорона ёндашуви, ташаббускорлиги, ҳар қандай вазиятда олдига қўйилган масалаларга ечим топа олишдек қобилияти билан юқори чўққиларни эгаллаб боради.

Ўз билим ва тажрибаларини қўллаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси алоқа вазири, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодиёт вазири, "Маҳаллий Телеком" акциядорлик компанияси бош директори, Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази директори, Халқаро алоқа академиясининг вице-президенти лавозимларида самарали фаолият юритди.

Тоҳир Ғофурович 2008 йилдан умрининг сўнгги кунларига қадар Тошкент ахборот технологиялари университети "Телерадиоэшиттириш тизимлари" кафедрасида профессор лавозимида меҳнат қилди. Устоз раҳбарлигида олийгоҳда ёшларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, уларнинг маънавий иммунитетини кучайтириш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилди. Айниқса, "Телерадиоэшиттириш тизимлари" кафедрасига раҳбарлиги даврида барча аудиториялар ва лаборатория қурилмалари янгиланиб, замонавий мультимедиа техникалари билан таъминланди.

Устоз педагогик фаолияти давомида ўнлаб илмий, илмий-услубий қўлланмалар яратди, элликдан ортиқ магистр ва бакалаврлик ишларига раҳбарлик қилди. Ҳаммуаллифликда яратилган "Радиотехник тизимлар", "Рақамли телевидение" номли ўқув-қўлланмалари ўзбек ва рус тилларида чоп этилди.

Тоҳир Раҳимов шогирдларига ўта меҳрибон ва ўз ўрнида талабчан эди. Шогирдларидан икки нафари ТАТУ ҳамда унинг ҳудудий филиаллари учун таъсис этилган Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги стипендияси, яна бири Ўзбекистон Республикаси бакалаврлари учун таъсис этилган Беруний давлат стипендияси, бошқаси эса таянч докторантларга аталган Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияси соҳиби бўлган.

Устознинг алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида амалга оширган фидокорона меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланиб, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими", "Хизмат кўрсатган фахрий радиочи", Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг кўкрак нишондори, Халқаро алоқа академиясининг олтин медали совриндори, Халқаро ахборотлаштириш академиясининг академиги унвонларига сазовор бўлди.

У кишининг нурли сиймоси хотирамизда мангу яшайди.

**Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси**

**Ўтганларнинг охирати обод бўлсин**

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги жамоаси фахрий алоқачи

**Тоҳир РАҲИМОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этиб, ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши алоқа соҳасида кўп йиллар самарали хизмат қилган меҳнат фахрийси

**Тоҳир РАҲИМОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамияти жамоаси Рақамли маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўлими бош мутахассиси Джавдат АГЗАМХОДЖАЕВга онаси

**МАФУРА аянинг**

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

ЭЪЛОН!

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунига асосан, лицензия учун давлат божининг тўлов муддатини бузганлиги учун “DENOV ATR” масъулияти чекланган жамиятига теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш фаолиятига 2019 йил 23 январда берилган АА серия 0006640 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2021 йил 19 январдан бошлаб 10 иш кунига тўхтатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сонли қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига мувофиқ:

“MN SOLUTIONS” масъулияти чекланган жамиятига (Тошкент шаҳри) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга 2018 йил 26 декабрда берилган АА серия 0006642 рақамли;

“F AND L-LINE” масъулияти чекланган жамиятига (Тошкент шаҳри):

маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш бўйича фаолиятига 2019 йил 30 январда берилган 0006705 рақамли;

шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш бўйича фаолиятига 2019 йил 30 январда берилган 0006706 рақамли;

“MOBILE ENGINEERING" масъулияти чекланган жамиятига (Тошкент шаҳри):

маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятига 2017 йил 22 декабрда берилган АА серия 0006353 рақамли;

шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятига 2017 йил 22 декабрда берилган АА серия 0006354 рақамли;

“ATOM CORP” масъулияти чекланган жамиятига (Тошкент шаҳри) кўчма радиотелефон (уяли) алоқа тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятига 2018 йил 20 ноябрда берилган АА серия 0006618 рақамли;

“NAZARBEK BAYLANIS SERVIS” масъулияти чекланган жамиятига (Қорақалпоғистон Республикаси) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига 2017 йил 25 августда берилган АА серия 0006233 рақамли;

“NETWORK CITY” масъулияти чекланган жамиятига (Сирдарё вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига 2019 йил 13 февралда берилган АА серия 0006801 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2021 йил 18 январдан;

“DIV” масъулияти чекланган жамиятига (Бухоро вилояти) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига 2011 йил 10 февралда берилган АА серия 0003523 рақамли;

“INDUSTRY GROUP” масъулияти чекланган жамиятига (Тошкент вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятига 2019 йил 15 октябрда берилган АА серия 0006898 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2021 йил 19 январдан тугатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 24 августдаги ПҚ-6044-сонли Фармонининг 10-банди, еттинчи хатбошига мувофиқ:

“N-COM CENTRAL ASIA” масъулияти чекланган жамиятига (Тошкент шаҳри):

маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятга 2017 йил 6 июлда берилган АА серия 0006215 рақамли;

шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятга 2017 йил 6 июлда берилган АА серия 0006216 рақамли;

“EZGU PROEKT” масъулияти чекланган жамиятига (Тошкент шаҳри) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш бўйича фаолиятга 2018 йил 31 октябрда берилган АА серия 0006603 рақамли;

“VARIANT PLUS” масъулияти чекланган жамиятига (Самарқанд вилояти):

маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш бўйича фаолиятга 2017 йил 28 декабрда берилган АА серия 0006361 рақамли;

маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга 2017 йил 28 сентябрда берилган АА серия 0006272 рақамли;

“TAY NET SERVIS” масъулияти чекланган жамиятига (Самарқанд вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга 2017 йил 22 декабрда берилган АА серия 0006365 рақамли;

“TERMO STROY SERVIS” масъулияти чекланган жамиятига (Тошкент шаҳри) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятга 2017 йил 27 ноябрда берилган АА серия 0006315 рақамли;

“ITCON” масъулияти чекланган жамиятига (Тошкент шаҳри):

маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятга 2017 йил 13 ноябрда берилган АА серия 0006304 рақамли;

кўчма радиотелефон (уяли) алоқа тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятга 2017 йил 13 ноябрда берилган АА серия 0006305 рақамли;

“RADIUS” хусусий корхонасига (Тошкент шаҳри) маҳаллий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятга 2017 йил 30 майда берилган АА серия 0006180 рақамли;

“NET FEAT MOBILE” хусусий корхонасига (Тошкент шаҳри):

маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятга 2017 йил 18 сентябрда берилган АА серия 0006237 рақамли;

маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятга 2016 йил 22 сентябрда берилган АА серия 0005977 рақамли;

“ENERGY ENGINEERING COMMUNICATIONS” масъулияти чекланган жамиятига (Тошкент шаҳри):

маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш бўйича фаолиятга 2017 йил 23 февралда берилган АА серия 0006115 рақамли;

маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга 2019 йил 21 февралда берилган АА серия 0006807 рақамли;

“BARKI MONTAJ-NALADKA” масъулияти чекланган жамиятига (Самарқанд вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга 2019 йил 21 февралда берилган АА серия 0006806 рақамли;

“ULKAN PARVOZ OSTONASI” хусусий корхонасига (Андижон вилояти) халқаро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга 2018 йил 21 майда берилган АА серия 0006472 рақамли;

“VIMPEL” масъулияти чекланган жамиятига (Тошкент шаҳри) кўчма радиотелефон (радиотелефон, транк) алоқа тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятга 2019 йил 8 майда берилган АА серия 0006841 рақамли;

“ALPHABET IT GROUP” масъулияти чекланган жамиятига (Тошкент шаҳри) маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга 2018 йил 26 мартда берилган АА серия 0006427 рақамли;

“NEW GENERAL CONSULTING” масъулияти чекланган жамиятига (Тошкент шаҳри) маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга 2017 йил 3 мартда берилган АА серия 0006123 рақамли;

“TROYA TAXI TRANS” масъулияти чекланган жамиятига (Фарғона вилояти) маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга 2017 йил 6 февралда берилган АА серия 0006074 рақамли;

“OPTIC TELECOM” масъулияти чекланган жамиятига (Самарқанд вилояти) маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга 2016 йил 16 сентябрда берилган АА серия 0005972 рақамли;

“BONUS ALOQA” масъулияти чекланган жамиятига (Фарғона вилояти) маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга 2016 йил 30 августда берилган АА серия 0005917 рақамли;

“DEVELOPING WEB STUDIO” масъулияти чекланган жамиятига (Тошкент шаҳри) маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга 2019 йил 28 январда берилган АА серия 0006691 рақамли;

“SONOROUS ENTERPRISE” масъулияти чекланган жамиятига (Тошкент шаҳри) маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга 2019 йил 28 январда берилган АА серия 0006688 рақамли;

“DUNYO” масъулияти чекланган жамиятига (Сурхондарё вилояти) маълумотлар узатиш тармоқларини қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятга 2019 йил 30 январда берилган АА серия 0006703 рақамли;

“TRIADA NETWORK GROUP” масъулияти чекланган жамиятига (Тошкент шаҳри) маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга 2019 йил 28 ноябрда берилган АА серия 0006995 рақамли;

“ILM SINTEZ” масъулияти чекланган жамиятига (Тошкент шаҳри) маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятга 2019 йил 26 ноябрда берилган АА серия 0006985 рақамли;

“BEAUT TECHNOLOGIES CO LTD” масъулияти чекланган жамиятига (Тошкент шаҳри):

кўчма радиотелефон (уяли) алоқа тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятга 2018 йил 26 мартда берилган АА серия 0006430 рақамли;

кўчма радиотелефон (радиотелефон, транк) алоқа тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятга 2018 йил 26 мартда берилган АА серия 0006431 рақамли;

маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятга 2018 йил 26 мартда берилган АА серия 0006432 рақамли;

“CITY LINE” масъулияти чекланган жамиятига (Тошкент шаҳри) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятга 2017 йил 17 ноябрда берилган АА серия 0006311 рақамли;

“TELECOM TECH SERVICE” масъулияти чекланган жамиятига (Тошкент шаҳри) маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятга 2018 йил 16 апрелда берилган АА серия 0006455 рақамли;

“LINE BUSINESS CONNECT” масъулияти чекланган жамиятига (Тошкент шаҳри) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятга 2016 йил 24 февралда берилган АА серия 0005789 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2021 йил 18 январдан тугатилди.

**ҲИСОБОТ**

## Жамоат фонди:

# КЕЧА, БУГУН ВА ЭРТАГА



2008 йилда ўз фаолиятини бошлаган “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди олдига қўйган мақсад ва вазифаларини босқичма-босқич амалга ошириб келмоқда. Жумладан, соҳа тарихи, ривожланиш ва тараққиёт босқичларини элга танитувчи музейлар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлимларини ташкил этиш, қўллаб-қувватлаш, фаолиятини йўлга қўйиш ва такомиллаштириш Жамоат фондининг асосий мақсад ва вазифаларидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Тошкентдаги Алоқа тарихи музейи ҳамда қайта реконструкция қилинган Хива алоқа тарихи музейи ҳозирги кунда ҳам Ўзбекистоннинг нуфузли масканларидан бири бўлиб, соҳага доир меросларни сақлашда юқори савияли ҳамда замон талабларига жавоб берувчи кўзга кўринган музей ҳисобланади. Бу, албатта, тизимдаги корхона ва ташкилотлар қўшган ҳиссалар маҳсулидир. Музей шу кунга қадар 155 мингдан зиёд ҳамюртларимиз ҳамда чет эллик меҳмонларга хизмат кўрсатди.

Эндиликда фонд жойларда ўз филиалларини ташкил этишни мақсад қилган. Ҳозирда Хоразм, Фарғона ва Тошкент вилоятларида филиалларига эга. Хива шаҳридаги Алоқа тарихи музейи ҳам доимий равишда фонднинг назорати ва кўрсатаётган методик ёрдами асосида фаолият юритиб келмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг барча йўналишлари юқори суръатларда ривожланмоқда. Шундан келиб чиқиб, 2021 йилда Жамоат фонди ўз режасига, албатта соҳадаги корхона ва ташкилотлар ёрдамида, Тошкентдаги Алоқа тарихи музейи экспозицияларининг бир қанчасини тубдан янгилашни киритган.

Фонд ҳамда музей раҳбарияти, шунингдек, мутахассисларнинг тинимсиз изланишлари, самарали меҳнати натижасида ҳар йили камида учта янги экспозиция яратилиши анъанага айланган. Жорий йилда ҳам Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази – UNICON.UZ ДУК музейда мавжуд экспозициясини қайта ташкил этиб, фойдаланишга топширди. “Фахрий алоқачилар” интерфаол экспозицияси маълумотлар базаси доимий равишда тўлдириб борилмоқда. Яна “Фотогалерея” ва “Соҳа раҳбарлари” экспозициялари ҳам қайта ташкил этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, музей қошидаги энг сўнгги технологиялар билан жиҳозланган кинозалда юртимиз ва жаҳон музейларининг виртуал экспозицияси ҳамда халқимизнинг бой маданий мероси тўғрисидаги филмлар доимий равишда намойиш этиб борилади. Музейнинг учинчи қаватида жойлашган замонавий технологиялар билан жиҳозланган иккита конференция зали ҳозирги кунда соҳанинг ахборот марказига айланган.

“Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди ўз харажатларини Васийлик кенгаши раиси томонидан тасдиқланган смета асосида шакллантиради ва ҳар чорак якуни бўйича бажарилган ишлар, амалга оширилган чора-тадбирлар, сарфланган харажатлар тўғрисида маълумот бериб боради.

2020 йил учун смета харажатларида корхона ва ташкилотлар томонидан беғараз молиявий ёрдам кўрсатиш жами 1 373 311,0 минг сўм этиб режалаштирилган бўлиб, 2021 йил 1 январ ҳолатига 1 303 311,0 минг сўми жамоат фонди ҳисоб рақамига келиб тушди.

“Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди ва Алоқа тарихи музейининг 2020 йил учун тасдиқланган смета харажатлари бўйича 1 373 311,0 минг сўм режалаштирилган бўлиб, Жамоат фонди ҳамда музей фаолияти ва уларнинг моддий техника таъминотини яхшилаш, музейни ривожлантириш ва жиҳозлаш учун жами сарф қилинган харажатлар эса 1 322 871,0 минг сўмни ташкил қилди. 2021 йил 1 январ ҳолатига жами смета харажатлари бўйича 50 440,0 минг сўм иқтисод қилинди. Барча харажатлар тасдиқланган смета доирасида амалга оширилган.

Ўтказилган танлов асосида Жамоат фонди Васийлик кенгаши томонидан маъқулланган “IMPULS-AUDIT” МЧЖ ташкилоти томонидан Жамоат фондининг 2020 йилдаги молиявий фаолиятини текшириш мобайнида корхонанинг барча молиявий фаолияти тасдиқланган кўрсаткичлар доирасида эканлиги қайд этилди.

“Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди фаолиятида шаффофликка эришиш мақсадида фонд ҳисоб рақамига соҳа корхона ва ташкилотлари томонидан келиб тушган маблағ ҳақидаги маълумот ОАВда эълон қилинади. Ва Фонд ўз фаолиятини 2021 йил учун мўлжалланган режа-дастурга мувофиқ давом эттиради.

**Равшан АСҚАРОВ,**
**“Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди директори**

---

**Эшитмадим деманглар!!!**




**“ХАВАR” ГАЗЕТАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИ, ФАХРИЙ АЛОҚАЧИЛАР ВА ТАЛАБАЛАР ЎРТАСИДА ИНШО ВА МАҚОЛАЛАР ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

### ТАНЛОВ ЙЎНАЛИШЛАРИ:

*1. “Нима учун бу соҳани танладим?” мавзуида – ахборот технологиялари йўналишида таълим олаётган талабалар ўртасида.*

*2. “Бу соҳада нималарга эришдим?” мавзуида – ахборот технологиялари соҳасида фаолият олиб бораётган мутахассис, раҳбар-ходимлар ўртасида.*

*3. “Бу соҳадан топганларим!” мавзуида – соҳа фахрийлари ўртасида.*

Танловда иштирок этиш талаблари: Мақола Word дастурида Times New Roman 12 шрифтида, 1,5 интервалда 2 бетдан ошмаган ҳажмда ёзилган бўлиши лозим.

Муаллифнинг фамилияси, исми ва шарифи (тўлиқ) ва иш жойи, лавозими ёки ўқиш жойи ва йўналиши кўрсатилиши лозим. Мақолага муаллифнинг фотоси* ҳам бириктирилади. Материаллар электрон вариантда, ўзбек ёки рус тилларида қабул қилинади.

Мақолалар танлов ҳайъати томонидан кўриб чиқилади ва энг саралари “Xabar” газетасида чоп этиб борилади. Якунда ҳар бир йўналиш бўйича энг яхши мақолалар аниқланади.

### СОВРИНЛАР:




*1. “Нима учун бу соҳани танладим?” йўналиши ғолиби – Xiaomi Redmi 9 смартфони;*

*2. “Бу соҳада нималарга эришдим?” йўналиши ғолиби – Xiaomi Redmi 9 смартфони;*

*3. “Бу соҳадан топганларим!” йўналиши ғолиби – Xiaomi Redmi 9 смартфони.*

* Танлов иштирокчиси “Xabar” газетаси фонида расмга тушган бўлиши керак.

Танлов ғолиблари 7 май – Алоқа ходимлари касб байрами арафасида тақдирланади.

**Танловга мақолаларни +998903464157 рақамига телеграм орқали ёки info@xabar.uz электрон почтасига юборишингиз мумкин.**

---

**ЭЪЛОН!**

**Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан талаба Шаҳзодбек Атабаев номига 2018 йилда берилган 31624-18 рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

---

Xabar

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шуҳрат СОДИҚОВ (Ҳайъат раиси), Назиржон ҲАСАНОВ, Коммуна ИРИСБЕКОВА, Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ, Лутфилло ТУРСУНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ (масъул котиб).

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.
Баҳоси келишилган нархда.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, Тошкент шаҳри,
Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй
(мўлжал: Олой бозори).
Телефонлар: 71-234-18-59, 71-234-18-31,
факс: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ.
Навбатчи: Аслиддин БЎРИЕВ.

ISSN 2010-6424

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг жума куни чиқади

Газета “Ўзбекистон” нашриёт матбаа уйи босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

V 4523 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Адади: 5728 нусха.

ISSN 2010-6424
Босишга топширилди — 17.00.
Босишга топширилиш вақти — 24.00.

Вилоят мухбирлари:

| Андижонда | Бухорода | Жиззахда | Наманганда | Навоийда | Нукусда | Самарқандда | Термизда | Тошкентда | Урганчда | Фарғонада | Қаршида |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 226-47-80 | (99)854-7305 | (94) 199-95-64 | (91) 353-71-25 | 225-91-10 | 554-35-45 | (91)557-84-44 | (91)235-88-68 | 234-18-59 | (97) 211-65-05 | 244-18-05 | (93)931-08-99 |